«Тасаввуф таълимоти манбалари, тасаввуфнинг асосий тушунчаси» деб номланган бўлими тасаввуф таълимоти манбалари ва унинг асосий тушунчасини «тасаввуф – эзотерик таълимот» деган нуқтаи назардан туриб дунё ташвишларидан озод бўлган ва ўз табиатининг салбий сифатларидан юксак даражага кўтарила олган «комил инсонни»¹¹ ўрганиб чиқишга бағишланган. Мазкур концепция миниатюра тасвирий санъатида аниқ ўз аксини топган. Миниатюра «комил инсон» (инсон-и комил) концепциясининг намунали тасвирий ифодаси ҳисобланган.

Маълумки, тасаввуфий мистик билиш услуби диққатни, ҳақиқатни англашни асосий услуга жамлайди. Тасаввуф издошлари онгнинг фақат алоҳида экстатик ёки ўзгартирилган ҳолатлари инсонни тўсиб турган нодонлик ва кўрлик пардасини олиб ташлаб, ҳақиқий борлик ҳақидаги тасаввурни бера олиши мумкин деб ҳисоблайди. Мистик таълимотлардаги онгнинг ўзгартирилган ҳолатига тадқиқотчилар томонидан етарли даражада кўп эътибор қаратилган¹².

¹¹ О концепции Совершенного Человека в Исламе см.: Massignon L. L'Homme Parfait en Islam // Massignon L. Opera Minora. Vol. 1. Beyrouth 1963; Arnaldez R. Al-Insan al-Kamil // The Encyclopaedia of Islam, New Edition. Vol. 3. P. 1271–1273; Совершенный человек. Теология и философия образа / Ред. Ш.М. Шукуров. Москва, 1997, и в особенности, статью Шукуров Ш.М. Совершенный Человек и богочеловеческая идея в Исламе (С. 41–71), снабженную полезной библиографией; Ибн ал-‘Араби. Изображение окружностей / Ибн ал-‘Араби // Мекканские откровения / Введение, перевод с арабского, примечания и библиография А.Д. Кньша. – СПб., 1995; Шукуров, Р. Азиз ал-Дин Насафи и его трактат «Зубдат ал-хакаик» / Р. Шукуров // Суфизм в контексте мусульманской культуры / под ред. Н.И. Пригариной, – М., 1989. – С. 54.; Фирдауси. Шахнаме. Т.1. – М.: 1987. С. 11.; Ибн Араби. Избранное. Т. 1 / Перевод с арабского, вводная статья и комментарии И. Р. Насырова. – М.: Языки славянской культуры: ООО «Садра», 2013. – 216с.

¹² Джеймс У. Многообразие религиозного опыта. – М.: Наука, 1993. – 432 с.; Измененные состояния сознания: современные исследования: Научно-аналитический обзор. – М.: ИНИОН РАН, 1995. – 56 с.; Спивак Л.И., Спивак Д.Л. Измененные состояния сознания: типология, семиотика, психофизиология // Сознание и

Ўрта Осиё ҳудудида тасаввуфнинг тарқалиши» деб номланган бўлимда тасаввуф илмининг тарқалиши, унинг шартли равишда уч даврга, яъни зуҳд (таркидунёчилик) – VII-IX а.а. боши тасаввуфнинг пайдо бўлиш, ривожланиш ва шаклланиш даври; тасаввуф – IX-XI а.а. тасаввуф назарияси ва амалиёти ишлаб чиқилган, тизимга солинган даври; тариқатлар (сўфийлар биродарлиги) – XII-XIV а.а. тасаввуфнинг мусулмон жамиятида диний яшаш элементи сифатида тан олинishi, сўфийлар биродарликлари (тариқатлар) нинг сўфийлар масканлари атрофида тузилиши (завия, хонақоҳ, рибат) ва фалсафий (интеллектуал) тасаввуфнинг равнақи кабиларга бўлинган тарихи ёритилган. XV-XVI асрларга қадар тасаввуф бутун руҳий езотерик таълимот сифатида ниҳоят шаклланди. Шунингдек, бугунги кунда мавжуд бўлган ва дунё бўйлаб кўплаб издошларига ега бўлган асосий сўфий мактаблари шакллантирилди.

Тасаввуф Ўзбекистон маданиятига улкан таъсир кўрсатган. Номлари улуғ аждодларимиз орасида Имом ал-Бухорий, Ат-Термизий, Нақшбандий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур ва бошқалар бор, уларнинг кўпчилиги сўфийлар мактабларида таҳсил олишган ва ўзлари ҳам сўфийлар бўлган. Кўп сонли сўфийлар мактаблари уларни бир-биридан фарқлаб турувчи тафовутлари ва ўзига хос жиҳатларига эга бўлган. Улар ҳақида замонавий ва тарихий адабиётларда етарли даражада аниқ ва батафсил баён этилган¹³.

Шундай қилиб, XII-XIV а.а. Ўрта Осиёда тасаввуфнинг уч асосий йўналиши, яъни «Яссавия» – Туркистонда (XII а.), «Кубровия» – Хоразмда (XII а. охири) ва «Нақшбандия» – Бухорода (XIV а.)¹⁴ шаклланди.

Тадқиқотнинг «Тасаввуфнинг меъморчилик ва санъатга таъсири» бўлимида тасаввуф, унинг фалсафий-ахлоқий асосларининг меъморчилик ва санъатга таъсирини аниқлаш масаласи белгиланган. Унинг ечимини топиш учун бирор бир ҳунарга оид қоида ва талабларни ўз ичига олган айрим материаллар таҳлил қилинди. Уларда шу билан бирга сўфийларнинг у ёки бу санъатга дахлдорлиги ва таъсирига ишора қилинган. Бу масала борасида қатор қарашлар мавжуд. Сўфийлар санъат ва ҳунарлар билан чамбарчас боғлиқ бўлишганини тасдиқловчи маълумотларни «О ремесле»¹⁵ (Ҳунар ҳақида),

психическая реальность. – 1996. – Т. 1, № 4. – С.48-55; Абакаров Р.И., Королев В.В. Измененные состояния сознания в мистическом опыте суфизма // Учен. зап. Казан. ун-та. Сер. Гуманит. науки. – 2009. – Т. 151, кн. 1. – С. 7-13.

¹³ См.: Карл В. Эрнст. Суфизм / Пер. с англ. А. Горькавого. - М., 2002. С. – 31; Nicholson R.A. Studies in Islamic mysticism. Cambridge. The University press, 1921.-P.305. Переиздание Kessinger Publishing, LLC (June 2, 2008). P. – 269. Его же. The Mystics of Islam. World Wisdom (September 9, 2003). – P.144; Smith M. Studies in Early Mysticism in the Near and Middle East. London, 1931; Corbin H.The man of light in Iranian sufism; Transt from the French by Nancy Pearson, Boulder.London:Shambhala, 1978; Адам Мец.Мусульманский ренессанс М., 1984. С – 145; Бертельс Е.Э. Очерк о происхождении суфизма и зарожение суфийской литературы / Суфии. - М., 2000. – 485 с; Крымский А. Очерк развития суфизма до конца III века хиджры. - СПб., 1896. – С. – 39; Кныш А.Д. Некоторые проблемы изучения суфизма/ Ислам: Религия, общество, государство. - М., 1984. – С.88; Fabry M. A History of Islam Philosophy. Colambia U.P., 1970. – P. 34

¹⁴ Ислам: энцикл. слов./ Г. В. Милославский, Ю. А. Петросян, М. Б. Пиотровский, С. М. Прозоров. – М. : Наука, 1991. – 315 с.

¹⁵ Пазуки Шахрам. Ма'на-йи сан'ат дар хикмат-и исламӣ: шарҳ ва таҳлил «Рисала-йи сина'ийа» Мир-и Финдириски // Хираднама-йи Садр, 48 (1386/2007). -С.95-106, с небольшими сокращениями (примеч. перев.); Впервые этот трактат был издан литографическим способом в 1267/1850 г. в Индии.

«О каллиграфях и художниках»¹⁶ (Хаттотлар ва рассомлар ҳақида), «Устав цеха живописных дел мастеров» (Тасвирий ишлар усталари цехининг рисолаши)¹⁷ каби рисолалардан топиш мумкин. «Бу ҳақда яна замонавий Нақшбандия тасаввуф оқимининг замондоши, хаттотлик устаси Хожи Абдулғофур Раззоқ Бухорий (Мири-Араб мадрасасининг етакчи домласи ва Баховуддин Нақшбандий мемориалининг қўриқловчиси)¹⁸ ҳамда замонавий тадқиқотчилар ҳам таъкидлаб ўтган¹⁹. Қози-Аҳмад сўфийлар ижоди «...оламни тасвирлашга йўл кўрсатувчи бўлиб хизмат қилади...»²⁰. Биз ўрганиб чиққан рисолаларда ҳунарнинг афсонавий тарихи баён этилган, мусулмонлар орасида энг обрўли ва мухтарам авлиёларидан бири унинг асосчиси ва ҳомийси сифатида эълон қилинган. Тасаввуфнинг санъатга таъсири ҳақида баён этувчи яна бир ҳужжат бу Мир Финдирискийнинг «Хунар ҳақида» деган рисолаши ҳисобланади. Шаҳрам Пазукий уни таҳлил қилган²¹. Сўфийларнинг санъатга дахлдорлиги ҳақида тадқиқотчилардан Э. Гюль, Л.И. Ремпель²² ҳам айтиб ўтишган. Сўфийлар нақшда маълум трансформацияларга дучор қилинган «оламнинг метафорик образини» кўришган. Геометрик орнаментнинг (IX-XII а.а.) равнақига «аниқ фанлардаги ва қурилиш ишларидаги муваффақиятлар...» ёрдам берган²³. Архитектуравий безакнинг мазкур тури илк ислом даврининг ғайри ҳиссий гўзаллигини ифодалашга хизмат қилади. Бироқ сўфийларнинг фалсафий-мистик дунёқарашлари билан ренессанс давридаги ривожлантирилган рамзий-аллегорик тизимга ўзгартирилган ўсимлик орнаментининг кенг тарқалишини тасаввуф ғояларига боғлашади²⁴.

Шундай қилиб, сўфиёна матнлар таҳлили асосида тасаввуфнинг Ўрта Осиёдаги меъморчилик ва санъатга бевосита таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг «Эзотерик рамз ва архитектуравий-макон шакллари семантикаси» бўлимида архитектуранинг тасвирий белгилар тизими, яъни архитектуравий-макон шакллари семантикаси, сонлар рамзи ва геометрик

¹⁶ Казии Аҳмад б. Хусайн ал-Хусайни Куми. Трактат о каллиграфях и художниках (датирован 1596/1597г.). Перевод и предисловие Б.Заходера. 1947. //http://www.farhang-alshia.narod.ru/karbin/kazi7.html

¹⁷ Текст устава занимает восемь страниц сборной рукописи инв. № 09/804, написанной на старобухарском языке почерком «насталик». Время переписки, по-видимому, – середина XIX века. Рукопись указана в каталоге А.А.Семенова – «Описание персидских, арабских и турецких рукописей Фундаментальной библиотеки Среднеазиатского Гос. Университета», Ташкент, 1935, стр.65, №115/2. Перевод был впервые опубликован в журнале «Проблемы востоковедения», 1959, №3. – С.106-109.

¹⁸ Интервью с мастером по каллиграфии Хаджи Абдулғафуром Раззак Бухари, опубликованное на сайте <https://assalam786.livejournal.com/58164.html> от 8.12.2016 (дата обращения 09.09.2018).

¹⁹ E. Paskaleva. The Architecture of the Four-Īwān Building Tradition as a Representation of Paradise and Dynastic Power Aspirations. Leiden. 2006. p.436.; Laleh Bakhtiar «SUFĪ». Thames & Hudson; Reissue edition (May 2004). L., P.100; Арберри А. Дж. Суфизм. Мистики ислама. Пер. с англ. – М.:Сфера, 2002. -272 с.; Аскарлов Ш.Д. Архитектура Темуридов. – Т.: Изд-во «Sanʼat», 2009. – 144 с.: илл.

²⁰ Казии Аҳмад б. Хусайн ал-Хусайни Куми. Трактат о каллиграфях и художниках (датирован 1596/1597г.). Перевод и предисловие Б.Заходера. 1947. //http://www.farhang-alshia.narod.ru/karbin/kazi7.html.

²¹ Шаҳрам Пазуки. Смысл понятия «Ремесло» в исламской философии: анализ трактата Мир Финдириски Рисала-йи сина'иййа. Ишрак: ежегодник исламской философии: 2014. № 5/Ishraq: Islamic Philosophy Yearbook: 2014. No.5. – М.: Наука – Вост. лит., 2014. – С.199.

²² Гюль Э. Суфизм и искусство орнамента. //SANAT//. Вып. 3. Ташкент, 2000. http://sanat.orexca.com/2000-rus/2000-3-2/elmira_gul-5/ (дата обраш. 13.07.18); Ремпель Л.И. Искусство Среднего Востока. Избранные труды по истории и теории искусств. М., 1978. – 281 с.

²³ Ремпель Л.И. Искусство Среднего Востока. Избранные труды по истории и теории искусств. М., 1978. -С.144.

²⁴ Гюль Э. Суфизм и искусство орнамента. //SANAT//. Вып. 3. Ташкент, 2000. http://sanat.orexca.com/2000-rus/2000-3-2/elmira_gul-5/ (дата обраш. 13.07.18).

графика таҳлил қилинган. Архитектуравий ҳажмларнинг рамзий мазмунини аниқлаштириш айрим тарихий барқарор қонуниятларга эга, архитектурани рамзий «ўқиш» эса алоҳида белгили тизимларда ўша мазмунларнинг конкретлашувига ёрдам беради.

Онгнинг алоҳида ҳолатларига эришишнинг махсус техника ва услублари рамзлар, белгилар, вибрациялар (мусиқа, ашула айтиш)дан фойдаланиш, меъморчиликда нумерология ва шакллар ҳамда орнаментда акс этган рангда ифодаланган. Буларнинг барчаси архитектура ва унинг беагаи – орнаментида ўзининг график ифодасини топган.

Семантика архитектуравий семиотиканинг таркибий қисмларидан бири ва меъморчиликнинг санъат сифатидаги мазмунли жиҳатига хос ҳисобланади²⁵. У меъморчиликка нафақат мазмун ифодалаш, балки мазмун яратиш жиҳатидан ҳам катта образли-белгили ва рамзий имкониятларни яратиб беради. Семиотик илмий асбоблар ёрдамида биз меъморчиликка янги қирраларидан туриб назар солишимиз, уни белги сифатида англашимиз мумкин.

Биз тадқиқ қилаётган рамз тасаввуф илмида энг илоҳий, муқаддас ҳисобланади ва ўз таълим олиш даврлари мобайнида улар нафақат рамзлар, балки сонлар билан ҳам тўқнаш келадилар. Таъкидлаганимиздек, тасаввуфдаги рақамлар рамзи зардуштийликдаги нумерология билан ҳамохангдир. Унинг бошқа халқлар динларига (манихейлик, христианлик ва гностицизм, иудаизм ва бошқалар), шу жумладан исломга ҳам таъсири ҳақида юқорида айтиб ўтилган эди²⁶.

Ҳар қандай рамз сифатида хизмат қилувчи архитектуравий шакл ҳам геометрик, ҳам маконий марказнинг борлиги билан аниқланади. Марказ космогоник маънога эга: ўзининг марказидан вужудга келтирилган шаклнинг яратилиши рамзий жиҳатдан оламнинг яратилишига ўхшатилади.

Кейинги яна бир таркибий қисм – бу геометрик графика, яъни кўпчилик рамзлар ва белгиларга хос сирли белгилар ёзуви²⁷.

Рамзларнинг сўфиёна олами асосий геометрик шакллар ва сонлардан иборат, улардан эса муқаддас образлар яратилади: айлана, квадрат, учбурчак ва уларнинг ҳосилалари ва шулар жумласидандир. Тадқиқотнинг бу қисмида архитектуранинг эзотерик рамзини етарли даражада тушуниб етиш ва эзотерик рамз яқка тарзда фақат меъморчиликда эмас, балки Ўрта Осиёдаги қадимги шаҳарлар режасида ҳам мавжудлигини тасдиқлаш мақсадида ибодатхоналар меъморчилигида кўп ишлатиладиган бир неча асосий геометрик шакллар кўриб чиқилган²⁸ ҳамда таҳлил қилинган.

²⁵ Семиотика – наука о знаках и знаковых системах, а также о естественных и искусственных языках как знаковых системах. Основоположителем семиотики является американский математик-логик Чарльз Пирс (1839-1914). Философский энциклопедический словарь /под ред. Ильичева Л.Ф., Федосеева П.Н. – М.: 1983, – 836с.; Там же. Семантика от фр. *sémanitique*, от др.-греч. *σημαντικός* – обозначающий.

²⁶ Barsukova E. G. The numerology in the myths and traditions of Zoroastrianism. //The 2nd International Conference. Bridge to science: research works. February 28, 2018, San Francisco, California, USA. P.22.

²⁷ Неаполитанский С.М. Сакральная геометрия: [ключ к пониманию Вселенной и человека – СПб.: Ин-т метафизики, 2003. – С. 617.

²⁸ Барсукова Е.Г. «Зашифрованные символы истории». //Сборник «Архитектор. Город. Время». Материалы ежегодной научно-практической конференции (Великий Новгород – Санкт-Петербург). – СПб., 2011, С.29-35.

Тадқиқотдан маълум бўлишича, шаҳарлар ва биноларнинг ориентацияси, асосан, олам томонларига мос келади. Архитектурада астрономик рамз, турар жойлар режаси асосида эса йўналишли хоч (бут) ва аниқ белгиланган айлана ётиши ҳамда Ўрта Осиё худудидаги мусулмон жамиятининг шаҳарлари ва ибодатхоналари иншоотларининг қурилиши тамойиллари аниқланган. Ибодатхоналар иншоотларининг атрибутларида ҳам ориентация ҳисобга олинган. Бу меҳробларнинг Макка томонига қаратиб жойлаштирилганида ҳам кўринадиди, бу унинг муқаддаслигини алоҳида таъкидлайди.

«Исломда йўналишлар хочи» бўлимида «ҳоч» - бут рамзи эзотерик нуқтаи назардан таҳлил этилган. Эзотериклар хоч, яъни бутни бой мистик маънолар палитрасига эга, деб ҳисоблайдилар – бу ҳақиқат нуруни тарқатувчи Ернинг муқаддас, илоҳий маркази рамзидир.²⁹ Хоч – коинот ва юксак илоҳий қадриятларнинг универсал рамзи. Агар айлана ва квадрат – бу ички ва ташқи маконларнинг чегараланиши бўлса, у ҳолда хоч (бут) марказ ва марказдан (ичкаридан ташыарига) кетган асосий йўналишлар ғоясини алоҳида таъкидлайди.

Қуёш ҳаракати билан аниқланадиган кескин йўналишлар хочсимон, яъни архитектурада фундаментал бошқарувчи тамойилга айланган, кейин эса у аста-секин диний меъморчиликка ўтади, бунда ҳам бутсимон шакл катта космик маъно касб этади. Шундай қилиб, кескин йўналишларга қаратилган тўғри ўқлар билан ҳосил қилинган бутсимон шакл саройлар, мақбаралар, боғлар ва бошқа мусулмонча архитектуравий шаклларда ҳам жой олади.

«Исломдаги астрологик рамз» бўлими метафизик астрология нуқтаи назаридан қараладиган астрологик рамзга, яъни космологияга бағишланган, зеро ислом оламида астрология жуда ҳам қадри илмлардан ҳисобланган. Мусулмон астрологиясида коинот тўрт қисмга бўлинади, ўн икки зодиак (бурж) белгилари тўрт ҳолатда ҳам аҳамиятли нуқталарга мувофиқ келади.

Бизгача етиб келган илоҳий меъморчиликнинг илк иншоотлари турларидан бири расадхоналар ҳисобланади. Улар фақат юлдузли осмонни кузатиш иншоотлари бўлибгина олмай, балки маънавий билимлар марказлари ҳам бўлиб хизмат қилган. Мирзо Улугбек (1393-1449) ўз расадхонасининг деворларида осмонни 7 осмон сфералари, 7 турғун сайёралари ва турғун юлдузлари билан тасвирлаган³⁰. Айнан Мирзо Улугбек Гўри Амир қурилишини тугатади ва уни темурийларнинг асосий илоҳий-сиёсий муқаддас даргоҳи ва қабристонини сифатида жорий қилади.

«Масжиддаги ориентация» бўлимида мусулмон оламининг энг муқаддас ҳисобланган жойи, моҳиятан «куб» бўлган ва нотўғри куб³¹ шаклига эга бўлган Каъба (Макка) мисолида масжиддаги ориентация ўрганиб чиқилган. Ердаги ушбу нуқта (Каъба) такводор мусулмонларнинг Оллоҳ билан боғланиши содир

²⁹ Шейнина Е. Я. Энциклопедия символов: Бесконеч. процесс узнавания своих и чужих смыслов, скрытых за различ. формами, знаками, словами /Е.Я. Шейнина. – М.: АСТ; Харьков: Торсинг, 2003. - 591 с.: ил.; Шейнина Е. Я. Энциклопедия символов. М., 2001; Энциклопедия мистических терминов /авт.-сост. С. Васильев [и др.] – М.: Астрель; МИФ: АСТ, 2001. – 571 с.

³⁰ Нильсен В.А. Обсерватория Улугбека в Самарканде. – Т.:Узбекистан, 1986. – С.38.

³¹ Неаполитанский С.М. Сакральная геометрия: [ключ к пониманию Вселенной и человека. – СПб.: Ин-т метафизики, 2003. – С. 248.

бўладиган жойи бўлиб қолган. Квадрат ва айлананинг метафизик маъноси – бу ер ва осмондир. Барча масжидлар Макка томонга мўлжалланган, ибодатлар учун – меҳроб шу йўналишнинг маҳалий кўрсаткичи ҳисобланади³². Шаҳарлар ва биноларнинг ориентацияси олам томонларига аниқ мос келади. Меҳроб тоқчаси ибодатхоналардаги меҳроблар каби оламнинг маълум йўналишига мўлжалланади. Исломда бу муқаддас Каъба йўналиши билан белгиланади.

Умуман олганда, Ўрта Осиёда масжидлар қишки қуёш туришидаги кун ботар томонга қаратилган. Ҳар бир масжид Қибла девори билан куб шаклига эга муқаддас Каъбага қаратилган. Ўрта Осиёдаги кўпгина ибодатхона бинолари куб шаклига эга, зеро куб – ибодат учун энг идеал жой ҳисобланади. Масжиддаги тўртбурчакли асос ернинг рамзи, сферик гумбаз эса осмонни билдиради.

Диссертациянинг «**Архитектуравий орнаментда тасаввуф рамзининг аҳамияти**» деб номланаган 3-бобида семантик таҳлил асосида орнамент ислом маданиятининг асосларини ифодаловчи новербал коммуникациянинг тизими сифатида ўрганиб чиқилган, шу билан бирга ибодатхоналар меъморчилигида ишлатиладиган архитектуравий шакллар ва орнаментнинг структуравий ва семантик таҳлили ўтказилган ва архитектуравий-мақоний шакллар ва ранглар колористикаси асосида конкрет тасаввуф оқимига хос семантик структура аниқланган ва у асосида график схема ишлаб чиқилган.

Архитектуравий рамз тамойиллари тасаввуфнинг диний фалсафий қарашлари билан қиёсланган.

Тадқиқотнинг «Ранг ва унинг инсонга таъсири назариясига тарихий экскурс» номли бўлимида асосий ранг назариялари ва уларнинг одамнинг психоэмоционал ҳолатига таъсири қисқа баён этилган. Қадим замондан табиий ёруғлик ва ранг палитраси одамдаги эмоционал ва эстетик ҳис ҳаяжонлар манбаи ҳисобланиб келган. Ранг маданиятининг Ўрта Осиёнинг меъморчилиги ва орнаментида, хусусан ибодатхоналар иншоотларида намоён бўлишини кўришимиз мумкин.

«Ўрта Осиёнинг меъморчилигида ёруғлик ва ранг метафизикаси» бўлими ёруғлик ва ранг метафизикаси назариясининг қисқача баёнига бағишланган, зеро турли фалсафий маданиятларда ёруғликнинг табиий ва метафизик тушунча сифатида пайдо бўлиши ва ривожланилиши тарихи жуда кенг берилган, шу боис ушбу ҳодисани ёруғлик метафизикаси доирасида англаш муҳим аҳамият касб этади³³.

Кўплаб маданиятларда ёруғлик илоҳий бирлик рамзи ҳисобланади. Ислом архитектурасида ёруғлик бошқа унсурларни ўзгартириб ёки нақшлар ҳосил қилиб, безак тарзида хизмат қилади. Тўғри ёритишда ёруғлик ёриб ўтган

³² Там же: – С.117.

³³ Аристотель. О душе // Сочинения: в 4 т. – М. ; Мысль, 1975. – Т. 1. – С.371-448; Бенц, Э. Цвет в христианских видениях /Э. Бенц; пер. с англ. // Психология цвета. - М.-Киев: Рефл-бук, Ваклер, 1996. -352с.; Современный философский словарь. – М.: Академический Проект, 2015; Флоренский П.А. Иконостас. М.: «Искусство», 1994. – С.144; Трубецкой Е. Два мира в древнерусской иконе // Философия русского религиозного искусства XVI-XX вв. Антология. М.: «Прогресс», «Культура», 1993. – 226 с.; Гегель, Г. В. Ф. Энциклопедия философских наук: в 3 т. / Г. В. Ф. Гегель. – М.: Мысль, 1977. – Т.3. – С.110; Автором мистико-философская доктрины ал-Ишрак («восточное озарение») был Шихаб ад-Дин Йахйя ал-Мақтул ас-Сухраварди (1155–1191 гг.).

тарзлар жимжимадор, панжарасимон, тўрсимон, танаси йўқ экранга ўхшаб кетади. Ёруғлик вақт ўлчовларида нақшлар, шакллар ва конструкцияларни кенгайтириб архитектурага динамик сифат бахш этиши мумкин. Ёруғлик билан соянинг бирикмаси эса кучли яссиликлар контрастларини яратади ва бўртма тош ҳамда кошнларда ёки ғиштли юзаларда текстура (тузилиш) ҳосил қилади.

«Анъанавий тасаввуф таълимотида ранг ва ёруғлик рамзи» бўлимида сўфийларнинг руҳий амалиётида рангларни кўриш масаласи ўрганилган, сўфий шайхларнинг қисқача таржимаи ҳоли келтирилган³⁴ (ас-Сухраварди, Кирмани, Кубро, Нақшбандий) ва уларнинг ёруғлик ва ранг билан боғлиқ руҳий кашфиётлари ҳақидаги концепциялари махсус визуализациялаш амалиётининг руҳий энергетик марказлари «Латаиф» – «руҳий қабул қилишнинг бирламчи органлари» ҳисобланган, тасаввуфдаги ёруғлик ва ранг назариясининг таркибий қисми бўлган латифа деб аталмиш «нозик субстанциялар»да ўрганилган. Тасаввуф илмидаги ранглар рамзининг батафсил тавсифи келтирилган.

Ўрта Осиёдаги меъморий муҳитнинг бадиий қиёфасига тасаввуф XIV-XVII асрларда, яъни Темурийлар ва Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида жуда кучли таъсир ўтказган. Бу даврда архитектура ва санъат ўзининг энг юқори тараққиёт чўққисига етган ва маҳобатлилиқ касб этган³⁵.

Шундай қилиб, тасаввуфнинг фалсафий тизимида, бир томондан, рангларни англаш ва алоҳида қабул қилиш ва улардан ташқи ҳаётда фойдаланиш, иккинчи томондан, ҳар бир гуруҳнинг даражасини, айниқса, кийим ёки унинг унсурлари орқали қайд этиш ранглар ва уларнинг рамзлари муаммосини янада мураккаблаштиради.

«Ўрта Осиё меъморчилигида рангнинг роли» деб номланган бўлимда исломгача бўлган ва исломий даврда рангли гамманинг архитектуравий безакда қўлланиши қиёсланади. Жумладан С.В. Дмитриев³⁶ ўз ишида, «ислом тарқалиши билан анъанавий колористик семантика, айниқса, агар у ислом дунёқарашлари тизимига мос келмаса, у тасаввуфнинг айрим диний-фалсафий тизимлари ва эстетик таълимотларида яна вужудга келиб, тараққий этиш учун маданий периферияга ўтиб қолади», дея таъкидлайди. Ислоннинг Ўрта Осиё ҳудудига кириб келиши билан минтақанинг бадиий қиёфаси кескин ўзгаради: жонли мавжудотларни тасвирлаш янги динни тарғиб қилиш воситаси сифатида таъқиқланади. Шу пайтдан бошлаб ранг архитектуравий орнаментика билан чамбарчас боғланиб қолади³⁷.

Аниқланишича, Ўрта Осиё меъморчилигида ранг текисликлар ёки ҳажмли шаклларнинг бир хил ранги орнаментнинг фаол компоненти ёки деворий тасвирларнинг тематик компоненти сифатида намоён бўлади.

³⁴ Более подробно см. Ислам: Энциклопедический словарь. – М.: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1991 – 315с.: илл.

³⁵ М.А. Юсупова. «Архитектура хонако эпохи Темуридов». «Общественные науки Узбекистана». Ташкент,

³⁶ Дмитриев С.В. Цвет в траурной обрядности народов Центральной Азии (к постановке проблемы) //Соросовские лауреаты России. М., 1996. – С.344-351.

³⁷ Воронина В.Л. Цвет в архитектуре Средней Азии. //Архитектурное наследство. Вып.39. ВНИИ теории архитектуры и градостроительства; Под ред. О.Х. Халпахьяна. – М., 1992. – С.124-130.

«Исломий орнамент бадийи маданиятнинг тури сифатида» номли бўлимда архитектуравий безак ва унинг илоҳий маъносини тасаввуф фалсафаси нуқтаи назаридан кўриб чиқилган. Ислом маданиятининг моҳиятли томони – бу забт этилган дунёга ўтмиш шакл ва ғояларини исломлаштириш йўли билан асосли равишда кўшилишга онгли интилишдан иборат.³⁸ Бу фикрни Қоя гумбази, Қусайр Амра фрескалари ва думалоқ Боғдод каби ёдгорликларини ўрганган Олег Грабар³⁹ ҳам тасдиқлайди.

Тасаввуф усталари томонидан яратилган ибодатхоналар иншоотлари-нинг бой серҳашам, жимжимадор безаклари одамларга кучли психоэмоционал таъсир кўрсатади. Бу меъморий иншоотларда ҳам архитектуравий безакларнинг (гириҳ, ислимий нақш, эпиграфика ва бошқа) турларидан ҳамда ранглар палитрасидан турлича фойдаланиш билан боғлиқ.

Фикримизча, орнамент архитектурага кўркамлик бағишловчи куч ҳисобланади. Юқорида айтилганлардан, айнан орнамент исломий санъатни тушунишга йўл очувчи калит ҳисобланади, деган мазмунда хулоса қилиш мумкин.

«Архитектуравий безак турлари» бўлимида исломий орнаментнинг асосий турлари (гириҳ, ислимий нақш, эпиграфика) ва унинг меъморчиликда қўлланиши ўрганилган.

Маданият тараққиётидаги мавжуд икки - диний ва халқона-мифологик тамойил санъатнинг ўзига хослигига таъсир кўрсатган. Шунинг учун расм энг бошидан нафақат бадийи, эстетик эҳтиёжни қондириш, балки бошқа одамларга фикрни етказиш воситаси ҳам ҳисобланган⁴⁰.

Ислом томонидан одамлар, ҳайвонларни тасвирлашнинг таъқиқланиши ислом санъатидаги образлиликни тасвирлашда орнамент ва ранг асосий рол ўйнайди, шулардан ранг асосий ифодали воситалардан бири бўлиб қолади. Айнан орнаментда тасаввуфнинг асосий фалсафий концепциялари тўла қонли акс этади ва мужассам топади.

Ўрта Осиёнинг ибодатхоналар архитектураси ҳашамат билан безатиларди, биноларнинг тарзлари эса ранглар ва турли хилдаги орнаментлардан кўп фойдаланилиши билан ажралиб туради, лекин архитектуравий безак, асосан, кириш пештоқида, гумбаз ости барабанида, миноралар ҳамда интерьерларда мавжуд бўлган.

«Тасаввуф нуқтаи назаридан орнаментнинг ички моҳияти» бўлимида ибодатхоналар архитектурасидаги орнаментал композициялар семантик жиҳатдан таҳлил қилинган, унинг дуаллиги, кейинроқ эса декор семантикасининг уч хиллиги аниқланган. «Рамз» ва «белги» тушунчалари ўрганиб чиқилган ҳамда архитектура ёдгорликларининг ранглари колорити даврлар бўйича таҳлил қилинган. Архитектуравий безакдаги «ботиний»лик ва «зоҳирий»лик тушунчалари ўртасидаги ўзаро боғланишлар инсоннинг ўнг ва чап томондаги онги билан аниқланган.

³⁸ Grabar O. The Formation of Islamic Art. Copyright 1973? 1987 by Yale University. – P.69.

³⁹ Там же. – P.70.

⁴⁰ Спиркин А.Г. Происхождение сознания. – М.: 1960. – С.97-98.

Қуръонда қайд этилган тасаввурларга бориб тақаладиган анъанавий олам манзарасига кўра, борлиқ икки, яъни рухий олам, кўринмас ва сезиш орқали борлигини билса бўладиган жисмоний олам, кўринадиган миқёсга бўлинади. Муслмончилик ғояларининг ривожланиши жараёнида бу жуфтлик универсал умумназарий парадигма маъносини касб этади, унга кўра ҳар қандай нарсада зоҳирлик муқаррар (зоҳир), туйғулар орқали сезиладиган ва яширинган (ботин) – дастлабки мавжудлик, моҳият ёки «яширин мазмун» бор.

Архитектуравий безакдаги «яширин» ва «ошқора» тушунчалар ўртасидаги ўзаро алоқалар инсоннинг ўнг ва чап томонидаги онги билан аниқланади. Бу жиҳатдан, яна шу нарса ҳам маълум бўладики, диққатни етарли даражада жамланганда тарихий ёдгорликлардаги орнаментда, бошқача айтганда, унинг ташқи шаклида (бадий образ, зоҳир) айна пайтдаги уринишда унинг ички мазмунини (ботин)ни, яъни геометрик асосни кўриш кузатувчида бир пайтнинг ўзида ўнг ва чап томонидаги онгининг ишлай бошлашига олиб келади, улар айрим пайтда (диққат эътиборнинг объектга нисбатан жамланиш даражасига қараб) иккала турдаги онгининг яхлит бўлиб бирлашувига олиб келади, яъни онгининг ўзгарган ҳолати юзага келади.

ХУЛОСА

«IX-XVI асрларда Ўрта Осиё маданий иншоотлари архитектураси ва безакларига тасаввуфнинг таъсири» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Илк ўрта асрлар (V-VIII а.а.) даври меъморчилиги умумий ва бир бирига яқин қурилиш усуллари, биноларни жойлаштириш ва режалаштиришнинг ўхшаш усуллари, бир-бирига боғланган композицион шаклларга эга бўлганлиги, Ўрта Осиёнинг қурилиш санъатида бўлғуси ислом даври архитектурасига хос бўлиб қолган кўпгина конструктив ва бадий усуллар айнан шу даврда пайдо бўлганлиги, бунда дунёвий исломгача бўлган архитектуранинг режавий структураси (композицияси)нинг ислом обидалари турига трансформацияси содир бўлганлиги аниқланди.

2. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари квадратсимон ёки тўртбурчак шаклга эга бўлганлиги ва уларнинг кўпчилиги олам томонларига қараб жойлаштирилганлиги, бундай режавий ечим аҳолидаги олам томонларига нисбатан эҳтиромли муносабат ғояси тушунчалари билан боғлиқ бўлганлиги, кўпгина мақбара бинолари қурилиши асосида эса режаси айлана ёки квадрат ичига киритилган бут тамойили ётганлиги, улар функционал заруратдан ташқари, қуёш ва бошқа осмон жисмларини ифодалаганлиги исботланди.

3. Айрим турли динга мансуб ибодат иншоотларида тархий композициянинг ўхшашлиги, масалан, ҳам зардуштийлик, ҳам буддавийликда бор бўлган уч ёки тўрт томондан коридорга эга зал мавжудлиги аниқланди.

4. Буддавийлик ибодатхоналари меъморчилигида жамоавий бинолар учун анъанавий бўлиб қолган тўрт устунли тизимнинг вужудга келиши (Аджина-тепа) ва тараққий этиши натижасида тўлиқ композицион якун «чахартак» - тўрт устунли ҳар томондан очик ротонда кенг тарқалади, тўрт устунли зал эса ҳам

ибодатхоналар, ҳам жамоат бинолари архитектурасида кенг оммалашган. Деворга тақалган меҳроб - оташкад эса девордаги чуқурли, токчали меҳроб билан ўз якунини топади, унинг иккала томонини эса асос, тана ва капителдан иборат устунлар ўраб турган.

5. Тасаввуфга оид матнлар таҳлили, унинг Ўрта Осиё меъморчилиги ва санъатига таъсиридан далолат беради. Хусусан, тасаввуф таълимоти, унинг космогонияси Ўзбекистон худудидаги Ислоннинг ибодатхоналар меъморчилигида бевосита намоён бўлади. Тасаввуфдаги космогония конкрет архитектуравий иншоотларга нисбатан инсоният оламининг тузилиши космологиянинг қўлланишини такрорлашини кўрсатиб бериш мақсадида қўлланилган. Архитектуравий иншоотлар ва шаҳарлар режаси мисолларида эзотерик рамз ва архитектуравий макон шакллари семантикаси аниқлаштирилган.

6. Инсон онгида яратилган ҳар қандай иншоот, маълум маънода коинотни қайта намоён этади. Тасаввуф фалсафасининг ғояси – баркамол инсонни яратиш икки қисмни ўз ичига олади: микрокосм – инсон, макрокосм – коинот – ибодатхона. Коинотни, яъни ибодатхонани ерда намоён этиш учун инсон ўз ичига асосий эквивалентларни олган архитектурани қуради: «олам маркази» (ўчоқ, мундус, дунё тоғи ва ҳ.к.) – шу нуқтадан бошлаб ҳар қандай намоёнлик ривожланади. Хусусан, нуқта олам ўқини шакллантирувчи дунёнинг метафизик маркази ҳисобланиши исботланди.

7. Зардуштийлик ва тасаввуф нумерологиясини ўрганиш давомида биз ер – бу 1, осмон – 8 рақами (чексизликнинг вертикал белгиси) эканлигини тасаввур қилишимиз мумкин. Осмон билан ернинг бирлашуви ($1+8=9$) тўққизни, яъни Коинотни яратади. Ер – бу «тўлиқлик», Осмон – «бўшлиқ», улар бирлашиб яхлитликни ҳосил қилади. Бошқача айтганда, Ер Осмон билан бирлашиб Коинотни ҳосил қилади ёки «тўлиқлик»нинг «бўшлиқ» билан бирлашуви ғоясини пайдо қилади, дея тахмин қилишимиз мумкин. Шунга мувофиқ, ғоя ҳам, ўз навбатида, барча нарсаларнинг моҳияти ҳисобланади. Ўрта Осиё меъморчилигида устунлар тўрт унсур, яъни зардуштийликдаги Осмон билан Ерни боғловчи муқаддас унсурлар – олов, тупроқ, сув ва ҳавонинг рамзи ҳисобланади. Бу Ўрта Осиёдаги ибодатхоналар ва турар жойлар архитектурасида ўз аксини топган.

8. Ибодатхоналар меъморчилигида (мақбаралар, хонақоҳлар, масжидлар) даҳрий одам илоҳий геометрик нақшлар, рамзлар ва белгиларни кўради, у беихтиёр кўп ёки оз даржада онгнинг ўзгарган ҳолатига тушиб қолади. Айнан шундай ҳолатда у мавжудликнинг реаллигини, атрофдаги оламнинг метафизик моҳиятини англайди ва шундай қилиб ўзининг индивидуал шахсий ривожланишини амалга оширади.

9. Тадқиқот давомида маълум бўлишича, Ўрта Осиёдаги ибодатхоналар меъморчилигидаги архитектуравий безагининг рамзий «матнлар»ини ўқиш декоратив - эстетик масаладан ташқари меъморий шакли ва безаклари диний-илоҳий функциялар билан бир қаторда ўтмиш тамаддунини тушунишдек ўта муҳим вазифани ҳам бажаради.

10. Тасаввуфда худди бошқа динларда бўлгани каби Коинотга йўл Худо орқали ўтади, Инсон-Худо-Коинот алоқалари ўрнатилади, ибодатхона иншоотлари (мақбара, мачит, минора, хонақоҳ) инсонни Худо билан, яъни заминни осмон билан, фонийни абадийлик билан боғлашга хизмат қилади.

11. IX-XII асрлардаги ибодатхоналар ва жамоат биноларидаги муносиб ташқи кўринишнинг пайдо бўлиши диндорларнинг дунёвий яшаш тарзига интиланлиги даражасини ифодалайди. Рангли сир, бўёкнинг пайдо бўлиши диний рамзни тарғиб қилиш мақсадида эпиграфик безакни қўллашга сабаб бўлади. Айни пайтда тасаввуф (IX-XI а.а.) эпиграфик безакда ўз ифодасини топади.

12. XII-XIV асрлардан, яъни тасаввуфнинг мусулмон жамиятидаги диний ҳаётнинг унсури сифатида мустаҳкамланиши билан меъморчилик ранг билан бойитила бошланди. Сўфийларнинг яшаш жойлари атрофида сўфийлар иттифоқлари (тариқатлари) тузилиши (завия, хонақоҳ, рибат) ва тасаввуфнинг интеллектуал фалсафаси равнақ топади. Тасаввуфнинг ранг ва ёруғликка оид рамзлари Ўрта Осиёдаги архитектуравий шакллар полихромиясини бойитди ва меъморчилик билан безакни оламни ўрганиш ғоясига бўйсинувчи рамзлар ва белгилардан ташкил топган матндан иборат новербал коммуникациянинг тизими сифатида ўрганиш имконини берди.

13. Меъморчиликда уйғун бирликка эришиш мақсадида рангдан фойдаланилади ва бу рамзий маъно касб этади. Етти «илоҳий» рангларни архитектуравий безакнинг ягона гаммасида қўллаш ердаги уйғунликнинг тимсоли бўлмиш осмон, жаннатдаги уйғунлик ифодасини, биноларнинг ўзи эса – жаннат, ердаги илоҳий гўзалликнинг рамзи эканлигини билдириши исботланди.

14. Тасаввуфий дунёқарашни ифодаловчи безакнинг асосий турлари – бу гирих, арабеска, эпиграфика (каллиграфия) бўлиб, улар ўзига хос ранг барангликда чексиз ва диний медитацияга ёрдам берувчи нақш ҳосил қилиши аниқланган.

15. Безак яратиш бўйича ишлаш инсонни ғайритабiiй фикрлаш даражасигача олиб чиқиш асбоби ҳисобланади, яъни одамни ғайри хусусиятли одамга *инсони комилга* айлантиради ва шунга мувофиқ геометрия (мантик) ва бадий образлар (рамзлар ва белгилар)ни аниқлаштирувчи «яширин» ва «ошкора» (батин-захир) нақшларни бирлаштириб, инсон онгнинг ҳар иккала (чап ва ўнг) турини фаоллаштиради. Ана шу иккила турдаги онгнинг фаоллаштириш инсонни оддий инсоннинг онгидан мислсиз қудратли бўлган ғайри табиий фикрлаш (сверхсознание) даражасигача олиб чиқади.

16. Сўфийлар олам ҳақидаги ўз диний-фалсафий билимларини санъатнинг эзотерик тилида ифодалаганлар ва ҳиссий-интуитив билиш умуман билишнинг олий шакли саналади, дея ҳисоблаганлар. Шунинг учун ҳар бир сўфийлар шайҳи ўз шогирдларида метафизик фикрлашни ривожлантириш зарур, дея ҳисоблаган. Метафизик, образли тафаккур санъат соҳасига таалуқли бўлганлиги муқаррар равишда тасаввуф ғоялари архитектура ва орнаментда ҳам ўз аксини топишига сабаб бўлган.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC
DEGREES DSc. 03/30.12.2019.A.11.02 AT
TASHKENT INSTITUTE ARCHITECTURE AND CIVIL ENGINEERING**

TASHKENT INSTITUTE ARCHITECTURE AND CIVIL ENGINEERING

BARSUKOVA ELENA GEORGIEVNA

**THE INFLUENCE OF SUFISM ON THE ARCHITECTURE AND DECOR OF
CULT BUILDINGS OF MIDDLE ASIA IN IX - XVI CENTURIES**

**18.00.01 – Theory and history of architecture.
Restoration of architectural monuments**

**DISSERTATION ABSTRACT
OF THE DOCTOR OF PHILISOPHY (PhD) ON ARCHITECTURE**

Tashkent – 2020

The theme of doctoral dissertation (PhD) is registered in the Supreme Attestation Commission of the Cabinet of the Republic of Uzbekistan under B2020.1.PhD/A17.

The doctoral dissertation (PhD) was carried out at Tashkent institute architecture and civil engineering.

The abstract of the dissertation is posted in three (Uzbek, Russian, English (abstract)) languages on the website of Scientific Council: <http://taqi.uz/interactive-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati-ixtisoslashgan-kengashlar/122-ixtisoslashgan-kengashlar.html> and on the Informational and educational portal «ZiyoNet» no adrecy: <http://library.ziyo.net.uz>.

Scientific adviser:

Nazilov Dodo Avazovich
Doctor of architecture, professor

Official opponents:

Khidoyatov Timur Abrorovich
Doctor of architecture, professor

Sadikova Sitora-Bonu Nematjanovna
Philosophy Doctor (PhD) of architecture

Leading organization:

National Institute of arts and design of K.Bekhzad

The defense of the thesis will be held on «____» _____ 2020 at ____ at a meeting of Scientific Council by № DSc. 03/30.12.2019.A.11.02 at Tashkent institute architecture and civil engineering (Address:100011, Tashkent city, A.Kadiry Street, 7B. Phone: (99871) 235-43-30, fax: (99871) 234-15-11. Web:www.taqi.uz, e-mail:devon@taqi.uz/ Conference hall of the Architecture faculty).

The doctoral (PhD) dissertation has been registered in the Information-resource center of Tashkent institute architecture and civil engineering by № ____, it is possible to review it in IRC (100011, Tashkent city, A.Kadiry Street, 7B). Phone: (99871) 235-43-30, fax: (99871) 234-15-11. Main building, 1st floor.

The abstract of the dissertation is distributed out on «____» _____ 2020.

(Registry record № ____ dated «____» _____ 2020)

T.Sh. Mamatmusaev

Interim chairman of the Scientific Council
Awarding scientific degrees, Doctor of
architecture

O.M. Salimov

Interim chairman of the Secretary of the
Scientific Council Awarding scientific
degrees, Philosophy Doctor of architecture,
professor

T.A. Khidoyatov

Chairman of the Scientific Seminar at the
Scientific Council Awarding scientific
degrees, Doctor of architecture, professor

INTRODUCTION (abstract of the PhD thesis)

The purpose of research work: It is aimed at the study of the development and identification of patterns of transformation of architectural forms and ornaments of religious architecture and the disclosure of their symbolic-semantic content for Sufism.

Research object: the religious architecture of the 9th - 16th centuries as a system of presenting information, which is considered taking into account the philosophical and ethical foundations of Sufism and its impact on the architecture and art of Uzbekistan.

The scientific novelty of the research work is as follows:

it has been proved that the typology of the central hall of pre-Islamic religious buildings, surrounded by a corridor from three to four sides, is transformed in the Islamic period into an open aivan around the central courtyard of the mosque;

an interpretation of the ornament from the position of the principle of the trinity in numerology, where the geometry of the ornament, the artistic pattern, and color of the decor are their components;

by comparison method, a parallel was found between the architectural and planning structure of honako and the stages of tariqah (sharia, tariqah, hakikat) using the example of honako Bahauddin Naqshband;

a graphic diagram of the relationship between ornament and color with the Sufi theory «Latif» was made using the example of the ornament of the Bibi-Khanum mosque;

The technique of «reading» the decor of religious buildings based on concepts such as «zahir and batin», as well as the effect on the observer and his perception and awareness through the activation of both types of consciousness (left and right), which leads a person to an altered state of consciousness (superconsciousness).

Implementation of the research results.

the use of the conclusion of this study was able to enrich the available information about memorial structures (IX-XVI centuries) in the Museum system of the Samarkand Museum -reserve (ACT of the implementation of the Ministry of the culture of the Republic of Uzbekistan No. 01-12-10-94 of January 10, 2020), which, in particular, contributed to the disclosure of the semantic meaning of architectural forms and decor for Sufism philosophy;

the use of new data on architectural monuments, taking into account the influence of Sufism on architecture and its decor, located on the most important sections of tourist routes, in the form of graphic tables, has improved the attendance of tourists in the country in the direction of pilgrimage (ziyosat) tourism and created guidelines and manuals for guides and translators of the Republic of Uzbekistan (ACT on implementation of the State Committee of the Republik of Uzbekistan for tourism development No. 03-22/ 147 of January 8, 2020).

The structure and amount of the dissertation. The thesis consists of the introduction, three chapters, conclusion (178 pages), guidelines, a list of references, a dictionary of terms and appendices with illustrations on 25 tablets of size A2 (42x59 cm).

**СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
LIST OF PUBLISHED WORKS**

I часть (I бўлим; I part)

1. Барсукова Е.Г. Влияние написания суфийских символов-знаков на архитектурно-декоративную графику традиционных общественных и жилых зданий Средней Азии. //Архитектура и строительство Узбекистана. -Ташкент, 2008г. – №3. – С. 23-25. (18.00.00. Мил. н. №7).

2. Барсукова Е.Г. Влияние суфизма на архитектурную графику Узбекистана. //Архитектура и строительство Узбекистана. – Ташкент, 2009. – №3. – С. 34-36. (18.00.00. Мил. н. №7).

3. Барсукова Е.Г. Символика в архитектурном декоре Средней Азии. //Архитектура и строительство Узбекистана. – Ташкент, 2011. – №3. – С. 21-26. (18.00.00. Мил. н. №7).

4. Барсукова Е.Г. Влияние света и цвета на исламскую архитектуру. //Архитектура и строительство Узбекистана. – Ташкент, 2015. – №3-4. – С. 30-36. (18.00.00. Мил. н. №7).

5. Барсукова Е.Г. Влияние суфизма на архитектурный орнамент. //Moziydan Sado. –Ташкент, 2018 (80). – №4. – С. 40-44. (18.00.00. Мил. н. №3).

6. Barsukova E. G. Features of architectural decoration of religious buildings of Uzbekistan in the Middle Ages (9-16 centuries) //International Journal of Science and Research (IJSR)/ Vol.8, Issue 11, November, 2019. – P.1255-1257. Impact Factor (2018):7.426 (18.00.00. Евр. №4).

7. Barsukova E.G. The numerology in the myths and traditions of Zoroastrianism. //Bridge to science: research works //2nd International Conference. February 28, 2018, -San Francisco, California, USA. – P. 22-28.

8. Barsukova E.G. Influence of Sufism on architecture and art. //Science and practice: A new level of integration in the modern world //7th International Conference. October 28, 2018, Sheffield, UK. Part 1. – P. 9-13.

9. Барсукова Е.Г. Особенности архитектурного декора культовых сооружений Средней Азии в эпоху средневековья. //Республ. Научно-техническая конференция. Министерство Строительства РУз, ТАСИ. 7 ноября 2019г. Ташкент. – С. 178-180.

10. Барсукова Е.Г. //Республиканская научная онлайн конференция. Научные и прикладные исследования в Узбекистане. 31.01.2020г. Ташкент: Tadqiqot, 2020. – С. 32-34.

II часть (II бўлим; II part)

11. Барсукова Е.Г. Суфизм и орнаментальное искусство Узбекистана. //Архитектор. Город. Время //Материалы XI ежегодной международной научно-практической конференции. 17-19 апр. 2009 г. – Санкт-Петербург, 2009. – С. 95-98.

12. Барсукова Е.Г. Зашифрованные символы истории. //Архитектор. Город. Время //Материалы ежегодной международной научно-практической конференции. 17-19 апр. 2011г. Вып. XIII-XIV. – Санкт-Петербург. – С. 29-35.

13. Барсукова Е.Г. Цвет и его роль в исламской архитектуре. Материалы ежегодной международной научно-практической конференции. – Санкт-Петербург, 2013. Вып. XVI. – С. 23-28.

14. Барсукова Е.Г. Влияние света на исламскую архитектуру. //Архитектор. Город. Время //Материалы ежегодной международной научно-практической конференции. – Санкт-Петербург, 2014. Вып. XVII. – С. 117-122.

Автореферат «Архитектура. Қурилиш. Дизайн» журналы таҳририятида
таҳрирдан ўтказилди (18 май 2020 йил).